

[morozova/read/page-6.html](http://morozova/read/page-6.html) (дата обращения: 12.03.2021, 09:59)

2. Раппопорт Х. Философия истории. (В ее главных направлениях). - СПб.: Ф.Павленков, 1898. – С. 75.
3. Мусаелян Л. А. О концепции философии истории Ибн Халдуна // Философия и общество. –2000. –№ 3. –С.133-154.
4. Даукеева С. Философия музыки Абу Насра Мухаммада аль-Фараби. - Алматы: Фонд «Сорос-Казахстан», 2002. - С. 296.
5. Бируни А. Индия. Пер. с араб. / Репринт с изд. 1963г. - М.: Ладомир, 1995. - С.334-337.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/047>

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ  
ПАРАДИГМАСИ АСПЕКТИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ  
МЕРОСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Нишонов Сарвар Жасур ўғли*

*Ўзбекистон Миллий университети докторанти*

**Аннотация:** Олимлар инсон эволюциясидаги ижобий жараёнларни ва ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлашуви, одамлар онгидан умуминсоний меъёрлар мустаҳкам ўрни олиш билан боғлаган ҳолда ёш авлодга мутафаккирларнинг илмий мероси ҳақида маълумот беради.

**Калит сўзлар:** “Ахлоқи Муҳсиний”, “Анварии Сухайли”, “Рисолати Хотамия”, “Футувватномаи Султоний”, “Райхонат ул-адаб”, “Нур ул-ҳидоя”

Хусайн Воиз Кошифий Ўрта Осиё ва Хуросоннинг машхур ахлоқшунос мутафаккири бўлиб, Сабзавор шаҳрида туғилади. Унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган. Тарихий манбаларда Кошифий тахминан 1440–1450 йиллар орасида туғилган дейилади. Унинг ёшлик йиллари ҳам Сабзавор шаҳрида ўтади. Билим олиш мақсадида Кошифий Нишопур ҳамда Машҳад мадрасаларида таълим олади.

Машхур тарихчи Мирхонд эса Кошифийни ўз даврида нужум ва иншо соҳасида тенги йўқ эди дейди . Манбаларда келтирилишича, Кошифий Абдурахмон Жомийнинг таклифига кўра тасаввуфнинг нақшбанд мазҳабига киради. У ўз асарларида ҳам ушбу тасаввуф таълимотининг инсонпарварлик ғояларини илгари суради. Кошифий ўз замонасининг фозил кишиси бўлиб, у нотиклик, адабиётшунослик, фикҳ илми, тарих, ҳисоб илми, иншо ҳамда ахлоқ соҳаларида самарали ижод қилади. У “Рисола дар илми адод” (“Ҳисоб илми ҳақидаги рисола”), “Ойнаи Искандарий” (“ Искандар ойнаси”), “Равзати шуҳадо” (“Шаҳидлар боғи”) ахлоққа ва комил инсонни тарбиялашга оид, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Анварии Сухайли”, “Рисолати Хотамия”, “Футувватномаи Султоний” каби асарларида ижтимоий–сиёсий, ахлоқий ғояларини илгари суради. Кошифийнинг турли манбаларда қайд этилган асарларининг айримлари Москва, Ленинград, Тошкент кутбхоналарида, Абу Райхон

Беруний номидаги Шарқшунослик инситути қўлёзмалар фондида ҳамда бир қанча чет эл кутубхона ва музейларида сақланмоқда . Хусайн Воиз Кошифийнинг айрим асарлари чет мамлакатларда нашр қилинган.

Олимнинг “Рисолайи Хотамия” асари 1883–йилда Парижда Шарль Шефер томонидан нашр қилинган ва яна бу асар Эронда ҳам чоп этилган. Собиқ шўролар даврида олимлар ҳам Кошифийнинг ижодий меросини ўрганиш бўйича муайян ишларни бажарганлар. Москвада алломанинг шеърятга бағишланган рисоласи нашрдан чиққан . Рисола кириш қисми, икки боб ва хулосадан иборат бўлиб, унда шеърый тушунча, назмнинг турли жанрлари ҳақида сўз боради. Ўрта асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда футувват оқимиға бағишланган кўплаб рисоалар пайдо бўлган. Ушбу асарлар орасида Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” рисоласи алоҳида аҳамият касб этади. Асар шу жиҳати билан эътиборлики, унда футувватни ижтимоий оқим сифатида эмас, балки тасаввуфнинг бир бўлаги сифатида эътироф этилади. Футувват билан тасаввуф таълимоти орасида ўхшашликлар кўп. Хусусан, ислом дини қонун қоидаларига эътиқод қилиш, футувват аҳли ёки муриднинг пиру устозга эга бўлиши, инсоннинг покланиши, хулқ–одоб қоидалари, саҳоват, олийҳимматлик, фидойилик, меҳр–шафқат, мардлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби ғояларға футувватда ҳам, тасаввуфда ҳам кенг эътибор берилади. Профессор Н.Комилов ўз тадқиқотида футувват билан тасаввуф ўртасида ўхшашлик, умумий жиҳатлар кўп эканлигини мавжуд тарихий манбаларни ўрганиш асосида исботлашға ҳаракат қилган; “ XIII асрга келиб футувват ва тариқат бир–

бири билан қўшилиб кетган. Аслини олганда бу жараён ҳийла олдин, X–XI асрларда бошланган эди. Шу даврларда яшаган Хуросон, Эрон ва Мовароуннаҳр шайхлари ўз муридларини мардлик ва фидойилик, саховат ва қаноат руҳида тарбиялаш, жавонмардликни тариқат шиорига айлантиришга интиланлар”, “тасаввуф ва футувват бир–бирини тўлдирган ва бир–бирига мадад берган. Йирик шайхларнинг ўзлари қахрамонлик ва мардлик намуналари”ни кўрсатганлар . Умуман олганда фикримизча, футувватнинг баъзи назарий ва амалий томонлари тасаввуфдан фарқ қилса ҳам, улар орасида ғоявий яқинлик ва ўхшашликлар кўп топилади. Бу, айниқса, ахлоқ ва хулқ одоб қоидаларига амал қилишда намоён бўлади. Кошифий ўзининг “Футувватномаи Султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати” асарида футувват илмининг моҳияти, унинг мавзуи, келиб чиқиши, пиру муридлик, шайхлик ва шогирдлик муносабатлари, сўфийлар ва футувват ахлига қўйиладиган талаблар, фирқа шартлари, улар киядиган либослари, бош кийимлар хулқ–одоби ҳақидаги фикрлар батафсил баён қилинади . Кошифий футувват илми тўғрисида сўз юритар экан, тасаввуф ва тавҳид илмининг бир бўлаги сифатида таърифлайди ва унинг асосий мавзуси инсон руҳини тарбиялаш деб билади.

“Зеро инсоннинг руҳини фазилатли қилиб етиштириш мумкин” , дейди мутафаккир. Алломанинг фикрича, футувват тариқатига мансуб инсон яхши ахлоқли, жавонмард,шижоатли, саховатли, халқ ғамини ўйлайдиган, инсонпарвар, хушфёъл, камтар, хокисор, хушфёъл бўлмоғи зарур дейилади. Кошифийнинг ушбу рисоласида, жавонмардлик

тариқати, унинг хусусиятлари, сифатлари шартлари, футувват ахлининг хислатлари, тариқатнинг мақомлари ва бошқалар ҳақида маълумот беради.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фикрлар, инсонпарварлик ва ахлоқий ғоялар ҳозирги даврда баркамол авлодни тарбиялашда, улар онгига миллий ғояни сингдиришда, маънавиятимизни юксалтиришда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз. Шунингдек ҳар бир нарсани унсурларга бўлиб ўрганиши, дунёни билишда ақл қудратига юксак баҳо бериши ва ўз фикрларида инсоннинг маънавий ҳамда ахлоқий баркамоллиги ҳақида қайғуриши нафақат ўз замонаси учун балки бугунги асримиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга таълимотлардан бири бўлиб қолади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**

1. Воиз Кошифий. Рисолайи Хотамия, Техрон, 1320 хижрий йил. Кириш сўзини Сайид Муҳаммад Нойини ёзган.
2. Навоий А. Асарлар. 12–жилд. Тошкент. 1996. 1213–124бетлар.
3. Х.Алиқулов. фалсафий мерос ва маънавий–ахлоқий фикр ривожи. Фалсафа ва ҳуқуқ инситути. Тошкент. 2009 й. 56-103б.
4. Н.Комилов.Тасаввуф. Биринчи китоб. 116–117б.
5. Х.Алиқулов, Р.Носиров, М.Қодиров, Р.Омонбоева, А.Ашуров. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. Ўқув қўлланма. Андижон. 2005й.36–б.
6. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати.–Т.,1994–й. 7–б.